*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

13 май, сешанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. | № 103 (1620)

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН

Тошкент давлат юридик институтида инсон ҳуқуқлари бўйича доимий курс иш бошлади. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Марказий Осиё билан алоқалари бюроси курсни ташкил этиш ташаббускори бўлди.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Марказий Осиё билан алоқалари бюроси бошлиғи Алоис Резник, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари Миллий маркази директори, профессор А. Саидов, Бирмингем университети (Буюк Британия) инсон ҳуқуқлари маркази директори Ж. Макбрайд курс тингловчилари ҳузурида сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва республикамиз ҳукумати сўнгги пайтда инсон ҳуқуқлари масалаларига жиддий эътибор бермоқда. Чунки инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Конституциянинг асосий қоидаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тузумини ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ва пировард мақсадидир.

(ЎзА).

## ҲАР ИШДА ИЗЛАНИШ ВА ТАШАББУСКОРЛИК ЗАРУР

**Республика Президенти Ислом Каримов 10 май куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюриб, бу ерда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, жумладан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Чегарачи аскарлар ва божхона ходимлари ҳузурида бўлиб, уларнинг жанговар тайёргарлиги, яшаш шароити билан қизиқди**





Сурхондарёлик пахтакорлар ўрта ва ингичка толали ҳосил етиштиришда кўп йиллик тажрибага эга. Бу йил вилоятда 18 минг гектар майдонда чигит андижонча усулда плёнка остига экилди.

Мамлакатимиз раҳбари Термиз туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигининг Ф. Шоймуродов бошлиқ бригада далаларини бориб кўрди. Бу ерда чигит плёнка остига экилган ерларда ниҳоллар бир текис униб чиққан. Чигит одатдаги усулда экилган майдонлардагига қараганда ғўза баравж ўсмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, пахта 25-30 кун илгари пишиб етилади.

Плёнка остига чигит экиш вилоят пахтакорлари учун янгилик, ҳали синаб кўрилмаган агротехника тадбири бўлгани сабабли экиш пайтида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Хусусан, ер обитобида шудгорланмаганлиги, чигит экиш вақтида плёнка тўлиқ ёйилмагани ва баъзи жойларда уя катта очилиши натижасида бегона ўт ўсишига шароит туғилган.

Биз бундан кейин барча агротехника тадбирларини тўғри ўтказиб, мўл ҳосил олишни мўлжаллаяпмиз, биринчи йил биз учун ўрганиш, тажрибани амалиётда қўллаш йили бўлди, дейишди деҳқонлар.

Мамлакатимиз раҳбари шундай деди: биринчи йил камчиликлар бўлиши табиий. **Асосийси, бу усулнинг Сурхондарё иқлими, об-ҳавосига қандай тўғри келиш-келмаслигини батафсил ва чуқур таҳлил этиш керак. Шундан келиб чиқиб, сеялкаларни мослаштириш, техникадан тўғри фойдаланиш, иш унумдорлигини оширадиган керакли ўзгартиришларни киритиш зарур.** Бу масала пухта ўйланмас, тўғри сабоқ, хулоса қилинмас экан, яхши натижага эришиб бўлмайди.

Одатда, жануб шароитида майдонлар суғорилиб, етарли нам тўплангач чигит экилади. Бу йил ҳам шундай қилинди. Лекин тажриба сифатли шудгорланган майдонларни суғормасдан, март ойининг биринчи ўн кунлигида плёнка остига чигит экиш мумкинлигини кўрсатди.

Президент мутахассислар ва хўжалик раҳбарлари билан янги усулнинг иқтисодий жиҳатлари -- пахта сифати, уни сотиш, барвақт йиғиштириб олинган ҳосил ўрнига кузги ғалла экишнинг афзалликлари тўғрисида суҳбатлашди, қимматли маслаҳатлар берди.

Тумандаги «Янгиариқ» жамоа хўжалигининг ижарачи ғаллакори М. Абдураҳмонова даласида етиштирилаётган «Скифянка» навли буғдой ривожидан мамлакатимиз раҳбари мамнун бўлди. Сара, ҳосилдор, маҳаллий иқлим шароитига мос буғдой навларини етиштириш, уни уруғчилик хўжаликларида синаб кўриш мумкинлигини уқтирди.

Буғдой бошоқлари тўлишиб, пишай деб турган ғаллазорда бўлган суҳбат чоғида Ислом Каримов инсон учун энг муҳими тинчлик, осойишталик эканини, бу юртда фидойи одамлар, ер илмини пухта биладиган деҳқонлар борлигини қайд этди.

**Энг муҳими, бизга Оллоҳ инъом этган унумдор замин, саховатли қуёш, қолаверса, меҳнаткаш халқимиз бор, деди давлатимиз раҳбари. Кўзлаган мақсадларимизга эришиш учун эса изланиш, тадбиркорлик, ҳамжиҳатлик керак.** Қаердаки тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик, халққа ғамхўрлик бўлмаса, бирон натижага эришиш амри маҳол. Бунга ён атрофимизда мисоллар кўп. Шунингдек, мустақил давлатимизда ёш авлодни тарбиялаш, уларга замонавий таълим бериш, таълимни ислоҳ қилиш давр ўртага қўйган муҳим талабдир. Ватанимизнинг келажаги бўлган бугунги ёшлар миллий, умуминсоний қадриятлар, шарқона одоб-ахлоқ руҳида тарбияланмоғи зарур. Бу борада тўққиз йиллик мажбурий, кейинчалик яна уч йиллик мажбурий-ихтиёрий таълимни жорий этиш, шу йўсин ёшларни касб-ҳунарга ўргатиб, мустақил ҳаётга тайёрлаш лозим.

Ислом Каримов Термиз шаҳридаги дори-дармон ишлаб чиқарувчи «Сурхон-Аджанта ЛТД» Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонасини бориб кўрди. Бу ерда ҳозирча 20 хил дори-дармон тайёрланмоқда. Хомашё Ҳиндистондан келтирилаётир. Ваҳоланки, воҳанинг қулай табиий иқлим шароитида ўсаётган гиёҳлардан дори-дармон тайёрлаш имкони мавжуд. **Хомашёнинг асосий қисми ўзимизда тайёрланиши керак. Акс ҳолда бу корхонанинг истиқболи йўқ,** деди Президент. **Бунга эришиш учун изланиш, имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарур.** Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзфармсаноат» концерни мазкур корхона билан яқин ҳамкорликда иш юритишлари лозим.

Давлатимиз раҳбари чегара масканларидан бирида бўлиб, ҳарбийларга яратилган шароит, Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаётган аскар ва зобитларнинг ҳушёрлиги, жанговар тайёргарлиги билан танишди.

**Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир,** деди Президент. **Она-Ватан эса -- сен туғилган уй, унда қолган ота-онанг, туғишганларинг, ёру-биродарларинг демакдир.** Армия сафида хизмат қилиш йигит учун улкан синовдир. Бу даврда у ҳам жисмонан, ҳам руҳан камол топади. Зеро, мусофир бўлмаган мусулмон бўлмас, деб бежиз айтилмаган. Сизлар соҳибқирон Амир Темур миллати ҳеч кимдан кам эмаслигини теран ҳис этиб, томирингизда ана шу шавкатли аждодлар қони оқаётганидан ғурурланишингиз даркор.

Ўтган йил октябрь ойида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон-Тожикистон чегарасидаги Гулбаҳор божхона масканида бўлганида бу ердаги аҳволни мутлақо қониқарсиз дея баҳолаб, уни ўнглаш юзасидан зарур топшириқлар берган эди. Орадан кўп вақт ўтмай, бу ерда зарур анжомлар билан жиҳозланган замонавий божхона биноси қад ростлади.

Мамлакатимизда тинчлик, осойишталик хукм сурмоқда, деди Президент. Лекин қўшни Тожикистон ва Афғонистонда вазият нотинч. Шу боис чегарачи ва божхоначиларимиз ҳамкорликда ишлаб, ҳудудимизга қурол-яроғ, наркотик моддалар олиб ўтилмаслигини, республикамиздан халқимиз учун зарур маҳсулотлар ташиб кетилмаслигини таъминлаши даркор. **Бунинг учун эса ҳар биримиз -- у хоҳ раҳбар, хоҳ оддий ишчи бўлсин, ўз иш жойида вазифасини холисона, масъулият ва жавобгарликни ҳис этган ҳолда бажармоғимиз лозим.** Ҳокимликлар, вазирликлар, суд ва ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини баҳолашда бу асосий мезон бўлмоғи даркор. Бу борада сўров жиддий бўлади. Шунинг учун ҳар ким ўзига ҳисоб бериб борсин. Зеро, бу шартларнинг бажарилишига кўп нарса -- юртимиз тинчлиги, келажаги боғлиқдир.

Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида ўзи танлаган тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда. Бунинг уддасидан чиқиш учун табиий шарт-шароит, илм-фан салоҳияти, иқтисодий имкониятлар етарли. Фақат улардан оқилона фойдаланишга эришмоқ зарур.

Ислом Каримовнинг Сурхондарё вилоятига сафари чоғида унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. Норалиев ҳамроҳлик қилди.

(ЎзА).

**Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

## ҚАҲРАМОНЛИК ВА ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

Ярим асрдан ортиқ вақт ўтибдики, Иккинчи жаҳон урушининг жароҳатлари вужуд ва қалбларни тарк этмайди. У келтирган азоб-уқубатлар, дард ва аламлар инсоният хотирасидан ўчмайди. Қанча-қанча одамнинг ҳаётини совурган, қанча-қанча инсонни бир умрга мажруҳ, гўдакларни етим қилган, жигаргўшалар, ёр-биродарларни бир-биридан айирган уруш интиҳоси -- ғалабани яқинлаштириш учун жонини фидо қилганлар жасорати ҳеч қачон унутилмайди.

Ғалаба куни -- Ўзбекистон халқининг ҳам байрамидир. Зеро, юртдошларимиз бу кунга эришиш учун астойдил жанг қилдилар, фронт ортида туну-кун тинимсиз ишладилар. Ғалабанинг 52 йиллиги кунида биз уларнинг хотирасини ёдга олиб, мўътабар фахрийларимиз ва кексаларимизга ҳурмат ва эъзозимизни ифода этдик...

9 май куни Тошкентдаги «Номаълум аскар» ёдгорлиги ўрнатилган хиёбонга республика Президенти Ислом Каримов, Олий Мажлис ва ҳукумат раҳбарлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари келдилар.

Соат 9. Куй садолари остида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Номаълум аскар» ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

Ёдгорлик пойига республика Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси номидан гулчамбарлар қўйилди. Номаълум аскар хотираси бир зум сукут сақлаб ёдга олинди.

Шу куни «Номаълум аскар» ёдгорлиги ўрнатилган хиёбон пойтахт жамоатчилиги вакиллари, меҳмонлар билан тўлди. Унинг пойига уруш ва меҳнат фахрийлари, Мудофаа вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари номидан ҳам гулчамбарлар қўйилди.

Уруш йиллари Тошкент госпиталларида ҳаётдан кўз юмган жангчилар дафн этилган Волгоград кўчасидаги «Биродарлик қабристони» ҳам байрам куни одамлар билан гавжум бўлди.

Бу ердаги «Мотамсаро она» мемориал ёдгорлиги пойига ҳарбий оркестр садолари остида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов гулчамбар қўйди. Республика Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа вазирлиги, уруш ва меҳнат фахрийлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари номидан ҳам гулчамбарлар қўйилди.

Урушда ҳалок бўлган жангчиларнинг хотираси бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олинди.

Мамлакатимиз раҳбари бу ерда ҳозир бўлган республика фахрийлари, маданият арбоблари билан суҳбатлашди. Ислом Каримов кекса авлод вакилларини Ғалаба байрами билан табриклади, уруш ва меҳнат фахрийларига сиҳат-саломатлик тилади.

-- Бугун мустақил Ўзбекистон, унинг меҳнатсевар халқи Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабани байрам қилмоқда, -- деди Президент. -- Бу Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун, мана шу мусаффо осмонимиз учун, бизнинг ҳозирги фаровон ҳаётимиз учун жонини қурбон қилганларнинг, барча уруш қатнашчиларининг ғалабасидир. Бу урушда қатнашганлар аввало ўз жонажон халқи ва юрти учун жон берди. Шу боис биз ўзбекистонлик жангчиларнинг урушда кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлари ва жасоратини сира ҳам унутмаслигимиз даркор. Уруш иштирокчилари тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилишимиз, уларнинг саломатлиги ҳақида қайғуришимиз, кекса авлод вакилларига имкони борича кўпроқ моддий ва маънавий ёрдам беришимиз зарур.

Шуни ёдда сақлашимиз керакки, дея давом этди Ислом Каримов, она юрт ҳамиша она юрт бўлиб қолади. Она юрт деган сўзда жудда катта маъно бор. Бу юрт биз учун ҳамиша азиз ва муқаддас бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади. Ана шу юртнинг ҳар бир фуқароси, миллати ва ёшидан қатъий назар, ўз мамлакати учун ёниб яшамоғи керак. Ватан бахт-саодати, порлоқ келажаги учун доимо қайғуриши ва курашмоғи даркор.

Ёшлар бизнинг келажагимиз. Шундай экан, ёшлар тарбияси тўғрисида, уларнинг маънавиятини юксалтириш ҳақида муттасил ўйлашимиз лозим. Ёшларни кекса авлод вакилларининг бой жанговар анъаналари руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор беришимиз керак.

Бугунги мана шундай маросимларда қатнашишдан мақсад эса урушда ҳалок бўлган юртдошларимизнинг қабрларини зиёрат қилиш, уларнинг хотирасини яна бир карра эслашдан, қолаверса, ҳозирги ёруғ кунларимизнинг қадрига етмоқ, не-не машаққатлар билан, қанчадан-қанча қурбонлар эвазига бугунги эркин ва озод ҳаётга эришганимизни ҳар бир юртдошимиз қалби ва онгига сингдиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Республика миллий гвардиясининг жангчилари урушда ҳалок бўлганларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтириб, шаҳдам қадам ташлаб ўтдилар.

Маросимларда Ўзбекистон Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

Ғалаба байрами куни пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида, маданият ва истироҳат боғларида, хиёбон ва кўчаларида, дам олиш масканларида халқ сайиллари, уруш қатнашчилари билан қизиқарли учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Санъаткорлар иштирокида концерт дастурлари намойиш этилди, турли спорт мусобақалари уюштирилди. Ғалаба байрами республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кўтаринки руҳда нишонланди.

**Б. ИМОМОВ,**
**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

## МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

12 май куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Швейцария Конфедерацияси федерал маслаҳатчиси ҳамда молия вазири Каспар Виллигер раҳбарлигидаги делегация аъзолари Бош вазир ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов билан учрашди.

Суҳбат чоғида меҳмонлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар, иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан таништирилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Швейцария Конфедерацияси ҳукумат делегацияси аъзолари ташқи иқтисодий алоқалар вазири Т. Раҳимов билан ҳам учрашдилар.

(ЎзА).

**УШБУ СОНДА:**

2-бет
ШАРТНОМА -- ҚОНУН
ҲУНАРМАНДЛАР

3-бет




4-бет
ҲАДИС ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ
ИЛК ЎЙИН ВА ҒАЛАБА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 13 майдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: *)

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 46,80 | 1 Норвегия кронаси | 8,60 |
| 1 Австрия шиллинги | 5,06 | 1 Польша злотийси | 19,22 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 97,40 | 10 Португалия эскудоси | 3,55 |
| 10 Бельгия франки | 17,33 | 1 Сингапур доллари | 41,94 |
| 1 Голландия гульдени | 31,79 | 1000 Туркия лираси | 0,44 |
| 10 Греция драхмаси | 2,24 | 1 Финляндия маркаси | 11,83 |
| 1 Дания кронаси | 9,39 | 1 Франция франки | 10,61 |
| 1 БАА дирҳами | 16,38 | 1 Швеция кронаси | 7,87 |
| 1 АҚШ доллари | 60,16 | 1 Швейцария франки | 42,40 |
| 1 Миср фунти | 17,77 | 1 ЭКЮ | 69,42 |
| 1 Ирландия фунти | 91,44 | 10 Жанубий Корея вони | 0,67 |
| 1 Исландия кронаси | 0,85 | 10 Япония иенаси | 5,06 |
| 10 Испания песети | 4,22 | 1000 Россия рубли | 10,43 |
| 100 Италия лираси | 3,61 | 1 Украина гривнаси | 33,13 |
| 1 Канада доллари | 43,24 | 1000 Беларусь рубли | 2,26 |
| 1 Хитой юани | 7,25 | 1 Эстония кронаси | 4,75 |
| 1 Кувайт динори | 198,74 | 1 Латвия лати | 103,01 |
| 100 Ливан фунти | 3,91 | 1 Литва лити | 15,04 |
| 1 Малайзия ринггити | 24,01 | 1 Қозоғистон тенгеси | 0,80 |
| 1 Германия маркаси | 35,76 | 1 Қирғизистон соми | 3,35 |

*) валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

*АКС САДО*

## МУҲИМ КАФОЛАТ

***Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида пахтакор, ғаллакор, божхона ходимлари ва чегарачилар билан ўтказган мулоқотлари ҳаммада катта таассурот қолдирди, дала меҳнаткашларини янада самаралироқ ишлашга руҳлантирди. Мухбиримиз Сариосиё туманидаги «Дашнобод» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Абдуғаффор Аҳмедов билан учрашиб, унинг дил сўзларини қоғозга туширди.***

-- Президентимиз Термиз тумани ғаллазорларида бўлганида уруғчилик ҳақида, айниқса, куюниб гапирди. Зотан, деҳқончиликдаги муваффақият, аввало, уруғ танлашдан бошланади. Илгарилари ҳам уруғликни деҳқонларнинг ўзлари етиштирганлар. Бултур 500 тонна сараланган уруғликнинг 369 тоннасини юқори нархларда сотдик. Биргина 480 гектар ғалла майдонидан миллион сўмлаб соф фойда олинди.

Лекин афсуски, вилоятимизда уруғчиликка дурустроқ эътибор бериладиган хўжаликлар бармоқ билан санарли даражада. Ваҳоланки, сифатли уруғлик билан ўзини таъминлаш мутлақо қийин иш эмас. Озгина ҳафсала, хоҳиш бўлса бас. Ана шунда юртбошимиз таъкидлаганидек, сурхондарёликлар учун бошқа вилоятлардан уруғлик ташиб келтиришга ҳожат қолмасди. Етиштирилган ғалланинг таннархи ҳам ошиб кетмас эди.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ердан олинадиган даромад, демакки, соф фойдани кўпайтирмасдан туриб, ижтимоий муаммоларни ҳал этиб бўлмайди. Масалан, бултур ғалладан бўшаган йигирма гектар майдонга картошка экиб, 120 центнердан ҳосил олдик. 12 гектар кузги карамдан эса 600 минг сўм даромад қилдик. Унинг 500 минг сўми соф фойдадир. Менимча, тадбиркорлик билан сидқидилдан меҳнат қилганда ҳар гектар ердан камида юз минг сўмдан даромад олиш мумкин. Биз буни амалда исбот этдик.

Иқтисодий аҳволнинг барқарорлиги туфайли ўтган йили газлаштириш ишларига 2,5 миллион сўм сарфладик. Бу йил эса 5 миллион сўм ажратганмиз. Ҳозир ҳар ўн хонадоннинг 7-8 таси табиий газдан баҳраманд бўлмоқда. Хонадонлар ичимлик суви билан тўла таъминланган. Зотан, деҳқончиликдаги муваффақиятлар барча соҳалардаги илгари силжишларнинг муҳим кафолатидир.

Йўқ, мен бу гапларни хўжалигимизда эришилаётган натижаларни бўрттириб кўз-кўз қилиш мақсадида айтмаяпман. Қолаверса, ернинг умрини бекор ўтказмай, мўлжалланган ҳосилини олиб, мўмай даромад кўраётганлар оз эмас. Гап шундаки, вилоят бўйича натижаларни умумлаштирадиган бўлсак, ютуқларимиз камчиликлар соясида қолиб кетади. Очиғини айтганда, бунинг сабаби кўпчиликка аён. Хато-ю камчиликлар нимадан иборат эканлигини ҳамма билади. Бироқ, улардан тўғри хулоса чиқариб, ишни ўнглашга келганда ҳамма ҳам бирдек жон куйдирмайди, интилмайди, ҳаловатини бузгиси келмайди. Қачонгача ҳукуматимиз раҳбарлари ташриф буюриб, хато ва камчиликларимизни аниқлаб, тўғри йўлни кўрсатиб беришлари керак? Ўзини билган, ориятли раҳбар ҳам, оддий деҳқон ҳам бундай аҳволга тушмаслик ҳаракатини қилади.

Оддий бир ҳақиқат бор -- қандай ишласак, шундай яшаймиз. Ҳеч ким четдан келиб, мушкулимизни осон, рўзғоримизни бут қилиб бермайди. Нимагаки эришсак, фақат ва фақат ўз кучимиз, меҳнатимиз, салоҳиятимиз билан рўёбга чиқарамиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Т. РАЗЗОҚ**
**ёзиб олди.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# ТАБИИЙ МОНОПОЛИЯЛАР ТЎҒРИСИДА

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасида табиий монополияларга нисбатан давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда истеъмолчилар билан табиий монополия субъектларининг манфаатлари мос келишига эришишга қаратилгандир.

**2-модда. Қонуннинг таъсир доираси**

Ушбу Қонун табиий монополия субъектлари, истеъмолчилар ва давлат органлари иштирок этадиган Ўзбекистон Республикаси товар бозорларида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солади.

**3-модда. Табиий монополия субъектларининг фаолиятини тартибга солувчи органлар**

Табиий монополия субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва монополияга қарши давлат органи амалга оширади.

Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солувчи органларнинг ваколатлари «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонунга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

**4-модда. Табиий монополия субъектларининг фаолиятини тартибга солиш усуллари**

Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солувчи орган томонидан қуйидаги усуллар қўлланилиши мумкин:

нархларни (тарифларни) ёки уларнинг энг юқори даражасини белгилаш (ўрнатиш) воситасида нархларни тартибга солиш;

хизмат кўрсатилиши шарт бўлган истеъмолчиларни аниқлаш ва (ёки) уларни табиий монополия субъекти реализация қилаётган товар, иш, хизмат (бундан буён матнда -- товар) билан тўлиқ ҳажмда қондиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, таъминлашнинг энг кам даражасини белгилаш;

табиий монополия субъектларининг фаолиятини лицензиялаш.

Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солувчи орган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усулларни ҳам қўллаши мумкин.

**5-модда. Табиий монополия субъектлари фаолияти устидан давлат назорати**

Табиий монополия субъектлари фаолияти устидан давлат назорати монополияга қарши давлат органи томонидан амалга оширилади.

Монополияга қарши давлат органи қуйидагиларни назорат қилади:

амалга оширилиши натижасида табиий монополия субъекти асосий воситаларга нисбатан мулк ҳуқуқини оладиган ёки товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) учун мўлжалланмаган, уларга нисбатан давлат тартибга солиши қўлланиладиган асосий воситалардан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритадиган битимлар устидан, агар бундай асосий воситаларнинг баланс қиймати табиий монополия субъекти ўз капитали қийматининг ўн фоизидан ортиқ бўлса;

асосий воситаларни лизинг асосида истеъмолчига бериш устидан;

амалга оширилиши натижасида табиий монополия субъекти ушбу Қонунга мувофиқ асосий воситаларга нисбатан тартибга солиш қўлланиладиган, товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) учун мўлжалланган асосий воситаларнинг бир қисмига нисбатан мулк ҳуқуқини ёхуд уларга эгалик қилиш ва (ёки) улардан фойдаланиш ҳуқуқини хўжалик юритувчи бошқа субъектга ўтказадиган битимлар устидан, агар бундай асосий воситаларнинг баланс қиймати табиий монополия субъекти ўз капитали қийматининг ўн фоизидан ортиқ бўлса.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш учун табиий монополия субъекти монополияга қарши давлат органига тегишли ахборот ҳамда бундай ҳаракатларни амалга оширишга розилик сўраб илтимоснома тақдим этиши шарт.

Илтимосномани кўриб чиқиш тартиби, бундай ахборотнинг мазмуни ва уни тақдим этиш шаклига доир талаблар монополияга қарши давлат органи тасдиқлайдиган қоидаларда белгиланади.

Агар илтимосномада баён қилинган ҳаракатлар салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлса, шунингдек аризачи барча зарур ҳужжатларни тақдим этмаган ёхуд улардаги маълумотлар ишончсиз бўлса, монополияга қарши давлат органи илтимосномани қондиришни рад этишга ҳақли.

Монополияга қарши давлат органи илтимоснома олинган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай ўз қарорини аризачига ёзма равишда хабар қилади.

Монополияга қарши давлат органи аризачидан қўшимча ҳужжатлар сўраб олишга ва башарти, бундай сўров илтимоснома олинган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай уни кўриб чиқиш муддати узайтирилганлиги тўғрисидаги хабарнома билан биргаликда аризачига юборилган бўлса, илтимосномани кўриб чиқиш муддатини узайтиришга ҳақли.

Агар илтимосномани кўриб чиқиш муддати тугагач, монополияга қарши давлат органининг жавоби олинмаган бўлса ёки илтимосномани қондириш рад этилган бўлса, аризачи судга мурожаат этишга ҳақли.

**6-модда. Табиий монополия субъектларининг мажбуриятлари**

Табиий монополия субъектлари табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солувчи органга ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этишлари шарт.

Табиий монополия субъектлари товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) имкониятига эга бўлган ҳолда бундай товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) юзасидан айрим истеъмолчилар билан шартнома тузишни рад этишга ҳақли эмас.

**7-модда. Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солувчи орган томонидан тартибга солиш усулларини қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш учун асослар**

Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солувчи орган томонидан муайян табиий монополия субъектига нисбатан тартибга солиш усулларини қўллаш тўғрисидаги қарор бу усулларнинг ишлаб чиқарилаётган (реализация қилинаётган) товарлар сифатини ошириш ва уларга бўлган талабни қондиришдаги рағбатлантирувчи роли ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади. Бунда харажатларнинг қанчалик асосли бўлиши баҳоланади ва қуйидагилар ҳисобга олинади:

товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) харажатлари;

солиқлар ва бошқа тўловлар;

такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган инвестицияларга эҳтиёж;

товарларни реализация қилишдан кутилаётган фойда;

турли гуруҳ истеъмолчиларнинг товарлар ишлаб чиқариладиган жойдан олислиги;

ишлаб чиқарилаётган (реализация қилинаётган) товарлар сифатининг истеъмолчилар талабига мувофиқлиги;

давлат дотациялари ва давлат ёрдамининг бошқа чоралари.

**8-модда. Табиий монополия субъектларининг жавобгарлиги**

Табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун табиий монополия субъектлари монополияга қарши курашга доир қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

**9-модда. Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солишни жорий этиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солишни жорий этиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, шунингдек тартибга солиш усулларини қўллаш масалалари юзасидан қарорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда қабул қилинади.

Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солишни жорий этиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш масалалари давлат органлари, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг таклифлари асосида кўриб чиқилиши мумкин.

**10-модда. Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солувчи органнинг қарорлари (кўрсатмалари) устидан шикоят қилиш**

Табиий монополия субъектлари, давлат органлари, истеъмолчилар, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солувчи органнинг қарорлари (кўрсатмалари)ни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Судга ариза бериш табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солувчи органнинг қарори (кўрсатмаси) ижросини суд қарори қабул қилингунига ва у қонуний кучга киргунига қадар тўхтатиб туради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 24 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

## «ТАБИИЙ МОНОПОЛИЯЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 24 апрель.

## ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

10 май куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда мазкур комиссия аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар пул-кредит сиёсати комиссияларининг раҳбарлари ҳамда республика тижорат банкларининг раислари иштирок этди. Мажлисни республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг раиси -- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажонов бошқарди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилнинг 2-чи чорагида нақд пул эмиссияси даражаси кўрсаткичлари ва касса режаси тўғрисида» 1997 йил 14 апрелдаги 185-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг дебиторлик-кредиторлик қарзларини камайтириш, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилишини таъминлашга доир фармонлари ҳудудларда қандай бажарилаётганлиги ва бошқа бир неча муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Унда республика пул-кредит сиёсати комиссияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё ва Навоий вилоятлари пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилнинг 2-чи чорагида нақд пул эмиссияси даражаси кўрсаткичлари ва касса режаси тўғрисида» 1997 йил 14 апрелдаги 185- сонли қарорини бажариш борасида минтақаларда тегишли тадбирлар амалга оширилаётганлиги ва бунинг натижасида белгиланган касса режаси республика миқёсида кундан-кунга ошириб бажарилаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ҳисобот даврида мамлакатимиздаги 196 та шаҳар ва тумандан 191 тасида умумий тушум суммаси бўйича касса режаси уддаланди.

Жорий йилнинг апрель ойида нақд пул эмиссиясининг амалдаги даражаси белгиланган кўрсаткичга нисбатан 10 фоиз камайди, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мазкур кўрсаткич уддаланди. Навоий вилоятида эса мазкур кўрсаткич бажарилмади.

Шунингдек, апрель ойида тўртта ҳудудда (Тошкент шаҳри ва Андижон, Тошкент, Фарғона вилоятларида) муомаладан ортиқча нақд пул олинишига эришилди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари пул-кредит сиёсати комиссиялари республика комиссияси қабул қилган қарорлардан тегишли хулоса чиқармаётганлиги айтиб ўтилди. Чунки гарчи мазкур ҳудудларда нақд пул эмиссияси даражаси бажарилган бўлса-да, у ҳамон юқорилигича қолмоқда. Навоий вилоятида эса ушбу кўрсаткич умуман бажарилмади. Агар май ойининг қолган кунларида мавжуд аҳволни яхшилаш борасида туманларда зарурий чора-тадбирлар кўрилмаса, аҳвол бундан ҳам оғирлашиши мумкинлиги ҳақида Навоий вилояти пул-кредит сиёсати комиссиясининг раиси огоҳлантирилди.

Айрим ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг эътибори (Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм) вилоятнинг бир-бирига қўшни бўлган ва бир хил иқтисодий имкониятларга эга бўлган туман ва шаҳарларида нақд пул эмиссиясининг аҳволи турлича бўлаётганлигига қаратилди. Ушбу комиссиялар зиммасига икки ҳафта муддат ичида жойларда бу соҳада вужудга келган аҳволни ўрганиш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарурий чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилди.

Маълумки, 1997 йил -- Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган. Шу сабабли республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги мажлисида ҳудудий комиссиялар раҳбарларининг эътибори жойларда пенсия, нафақа ва иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш масаласига жиддий эътибор бериш, унда узилишларга йўл қўймаслик учун мунтазам равишда тегишли чора-тадбирлар кўриб бориш зарурлигига қаратилди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**





*Баҳористон туманидаги қоракўлчиликка ихтисослашган «Ўзбекистон» жамоа-ширкат хўжалигида ободончиликка катта эътибор берилаяпти. Ана шундай бетон ариқдан қишлоқ оралаб аҳоли томорқаларига оби-ҳаёт оқмоқда.*

*СУРАТЛАРДА: қишлоқ манзараси; (чапда) хўжалик раҳбари А. Хўжамов; бригада бошлиғи С. Ҳайитов.*

**Т. КАРИМОВ** олган суратлар.



МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

## ШАРТНОМА -- ҚОНУН

### Бироқ Олтинкўл трикотаж фабрикаси ва «Ўзбексавдо» уюшмаси раҳбарлари унинг ижросини таъминламаяптилар

Учкўприкдаги тикув-трикотаж ҳиссадорлик жамиятида болалар ва катталар учун ички кийим-кечаклар ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотлар бежиримлиги, сифатлилиги жиҳатидан харидорларга манзур бўлмоқда.

-- Мустақиллик шарофати туфайли эски тузумдан қолган иллат -- «Мана шу газламадан фалон фасонда йилига бунча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарасан» деган кўрсатма олишдан қутулиб, эркин иш юритиш имконига эга бўлдик, -- дейди жамият раиси Шуҳрат Қосимов. -- Энг муҳими, ишчи-хизматчиларимизнинг мулкка, меҳнатга муносабати ўзгарди. Эндиликда улар истеъмолчилар талаби асосида қанча кўп маҳсулот тайёрланса, корхонага ҳам, ўзларига ҳам шунча фойдали эканлигини ҳис этиб ишламоқдалар. Аслида эришилаётган ютуқларнинг асосий омили шунда.

Биз корхонада бўлганимизда, бунга ишонч ҳосил қилдик. Аммо бу ерда меҳнат муваффақиятини янада ошириш имкониятлари борлиги, муддаога эришишга иккита муаммо тўғаноқ бўлаётгани ҳам аён бўлди. Аввало, корхонага хомашё, яъни мато Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги трикотаж фабрикасидан келтирилади. Шартномага кўра, мазкур фабрика шу йилнинг биринчи чорагида 71 тонна калава юбориши керак эди. Амалда эса унинг атиги 2,5 тоннаси олинди, иккинчи муаммо шуки, икки томонлама тузилган шартномага мувофиқ, «Ўзбексавдо» уюшмаси ишлаб чиқарилган кийим-кечакларни пешма-пеш олиб кетишлари лозим. Аммо бу уюшма раҳбарлари «ҳозир пулимиз йўқ» деган баҳонани рўкач қилишдан нарига ўтмаяптилар. Натижада бугунги кунда омборда икки миллион сўмликка яқин тайёр маҳсулот тўпланиб қолди.

Табиий савол туғилади: наҳотки, хомашёсиз тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб бўлмаслиги, у сотилмаса, айланма маблағ келмаслигини Олтинкўл туманидаги трикотаж фабрикаси ва «Ўзбексавдо» уюшмаси мутасаддилари ҳанузгача англаб етмаган бўлсалар?

Шартнома -- бу қонун, дегани. Унинг шартларини бажариш икки томон учун ҳам мажбурийдир.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТОЗАЛИК УЧУН СОЛИҚ

***Навоий шаҳар ҳокимининг қарорига кўра муомаладаги қонунчилигимизга асосланиб, шаҳарда маҳаллий солиқ жорий этилди.***

Унинг тўловчилари ҳисобот даврида фойда кўраётган юридик шахслардир. Тўлов миқдори эса фойдадан икки фоиз.

Ушбу қўшимча маблағ шаҳар тозалиги ҳамда кўчалар ободончилиги учун хизмат қилади.

**Т. ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ФАРМОН ВА ИЖРО

# ҲУНАРМАНДЛАР

### Ёки ўлмас касб эгаларининг устахоналарида бир кун

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадиий ҳунармандчилигини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонини бахмаллик амалий санъат усталари зўр қониқиш ва манфаатдорлик билан кутиб олдилар. Туман ҳокимлиги эса ана шу ҳужжат асосида қишлоқларга сочилиб кетган ота мерос касб эгаларини ягона уюшмага бирлаштириб, уларга устахоналар очиб бериш, етарли иш шароити яратиш тадбирларини амалга оширишга киришди.***

Тўғриси, ушбу ҳудудда миллий ҳунармандчилигимизнинг қадимий бой анъаналари йўқолиб кетмаган эди. Жойларда юздан ортиқ турдаги катта ва кичик ҳунармандчилик устахоналари баҳоли қудрат фаолият кўрсатарди. Бу ҳақда туман ҳокимлиги маиший ва миллий ҳунармандчилик бўлимининг мудири Муборак Абдураззоқова шундай дейди:

-- Президентимиз Фармонининг қабул қилиниши айни муддао бўлди. Чунки нафақат Бахмалда, балки республикамизнинг бошқа туманларидаги ўзига хос халқ усталари қўллаб-қувватлашга муҳтож эди. Ушбу ҳужжат эса ўлмас касб эгаларига эркин ва рақобатли ижоднинг эшикларини ланг очиб берди. Эндиликда ҳунармандларнинг ишини мувофиқлаштириб турувчи уюшмалар бўлиб, уларнинг ўзлари эса беш йилгача солиқ тўлашдан озод қилиндилар. Авваллари усталар топган даромадларининг асосий қисмини солиққа берар, корхоналарни ривожлантиришга етарли миқдорда маблағ жамғара олмас эди.

Новқа қишлоғи -- муқаддас қадамжолардан бири. Бу масканда учта устахона мавжуд бўлиб, пичоқчи Абдуқаюм, эгарчи Нормамат ва мусиқачи Абдулла иш юритади. Улар Муборак Абдураззоқованинг фикрига қўшилиб,агар мустақилликка эришмаганимизда, ота-боболаримизнинг ноёб ҳунарлари йўқолиб кетарди. Президентимиз Фармонининг чиқиши адолатли иш бўлди, -- дейишди.

Бир йигитга қирқ ҳунар оз, дейдилар. Абдуқаюм Каримов ўғли Ҳасан, укалари Абдусаттор, Озодбек ва Жуман билан бирга бобоси Дўсмат темирчи, отаси Маматкарим устадан қолган чоғроққина бир уйда қиздирилган темирдан ўттиздан зиёд уй-рўзғор асбоблари тайёрлаётганига гувоҳ бўлдик. Ўроқ, кетмон, теша, болта, ёғоч қиргичлар, айниқса, қишлоқ аҳолиси учун асқотмоқда.

Оддий сандонда қўлбола асбоблар ёрдамида худди заводдагидек турли пичоқлар ясаётган ёш усталарнинг ўз касбларига меҳр қўйганликлари пешоналаридаги маржон терлардан, чаққон ва бехато ҳаракатларидан шундоққина билиниб турибди. Аслида бу осон юмуш эмас. Пичоқнинг дастаси заранг дарахтининг новдаси ва томиридан, эчки ва қўчқор шохларидан тайёрланади. Нафис бадиий безаги эса юрак қўри ва кўз нурини талаб этади.

Эгар ясаш эса бундан-да мушкул. Уста Кенжанинг набираси Нормамат ойига бор-йўғи битта эгар тайёрлашини айтди. Юпқа қисмларига қора тол, қалин жойларига оқ тол керак. Жами ўн саккизта бўлак ишлатилади. Лекин ҳаммаси мих қоқилмасдан, тасма ип билан тикилмай, елимлаб чиқилади. Сўнгра сўйилган мол ёки қўйининг пайи қуритилиб, махсус ўғирда туюлади. Пировардида у ипак ҳолига келгунча қўлда титиб чиқилиб, мустаҳкамлик қобилиятига қараб, эгарнинг турли қисмларига қўйилади. Пайнинг устига қайин дарахтининг қоғоздан ҳам юпқа пўстлоғи ёпиштирилади. Бу жараёнлар тугагач, эгар қизил жундан тайёрланган бўёқ билан бўялиб, рангсиз лак суртилади. Пай ва қайин қобиғи эгарнинг захдан ва ёмғир туфайли чиришидан сақлайдида. Энди уни, марҳамат қилиб, юз йилгача ишлатаверинг.

-- Устачилик минг йиллар давомида бир сулола доирасида шаклланиб келганлиги боис, эгарни қандай қилиб ясаш сирлари ҳеч кимга билдирилмаган, -- дейди Нормамат эгарчи. -- Ҳалиям мен сизларга шу синоатнинг ярмичасини айтдим-ку...

Начора, уста ҳақ. Лекин у буни ошкор этган тақдирда ҳам, киройи эгар ясаш бошқаларнинг қўлидан келмаслиги аниқ. Бундай дейишимизга асос бор: Бахмалда ҳалигача эгарчи усталар оиласи иккита бўлган эмас.

Буларга-ку устачилик ота касб экан, бироқ илгари уруғ-аймоғидан ҳеч ким мусиқа асбоблари ясамаган Абдулланинг ноёб касб соҳибига айланиб қолгани бизни кўпроқ ажаблантирди. У -- қишлоқ мактабида оддий мусиқа муаллими, яхшигина қўшиқ ҳам айтади. Укаси Жамолиддин билан бирга ҳатто «Завқ» миллий эстрада дастасини ташкил этган.

-- Ўқувчилик йилларимда турли байрамларда рубоб, дутор ва тор чалиб, қўшиқ куйлардим, -- эслайди у. -- Лекин дўкондан сотиб олинган мусиқа асбобларининг жўн ясалгани, чидамсизлиги қониқтирмасди. Буюртма торларни сотиб олишга эса маблағ йўқ. Шу сабаб бўлдими, бўш пайтларимда ўша асбобларни ясай бошладим...

Ҳозир Абдулла 30 ёшда. Воҳада унинг олдига тушадиган уста йўқ. Қаерда қуриган ёнғоқ, тут дарахтини кўрса, уйига олиб келади. Туни билан қуйманиб чиқади. Саккиз ёшли ўғли ҳам унинг ёнидан жилмайди. «Шундан уста чиқар-ов», -- деб қўяди ҳар замон Абдулла фахрланиб. Мангубердига мензаб, унга Жалолиддин дея исм қўйган...

-- Мусиқа асбобларингизнинг харидори борми? -- сўраймиз ундан.

-- Ҳозирча бозорга олиб чиққаним йўқ. Келгусида устахонамни кенгайтирсам, реклама қила бошлайман, -- жавоб қилди уста.

Гарчи Абдулла тайёрлаган мусиқа асбоблари уста Нормаматнинг эгаридай ўн беш минг сўмга, Абдуқаюмнинг пичоғидек минг сўмга баҳоланмаса-да, бу санъат асарининг харидори ҳам кўпайиб кетишига аминмиз. Зеро, бизда ёш талантлар кўп.

Биз новқалик уч нафар уста ҳаётидан баъзи лавҳалар келтирдик, холос. Муборак Абдураззоқованинг айтишича, Бахмал қишлоғи қизлари тўқиган жулбароқлар, буғжамалар, барлослик онахонлар тиккан чакмону хуржунлар, Ўрай қишлоғилик ёғоч ўймакорларининг ҳунарини кўрганлар лол қолмай иложи йўқ.

Ҳақиқатан ҳам йилнинг тўрт фаслида мангу яшил ўрмонлари, қорли тоғлари, қуюқ арчазорлари, олмазорлари-ю, ғаллазорлари билан ҳар қандай сайёҳни бефарқ қолдирмайдиган бу гўша энди беқиёс миллий ҳунармандчилиги, қўли гул усталари билан ҳам донг таратиши шубҳасиздир.

**Ҳайитбой НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

